

1/2023,
yanvar-
fevral
(№ 00063)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Исмаилов Акмал Махсудович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, и.ф.н. Тошкент, Ўзбекистон. a.ismailov@tsue.uz akmal-0278@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3568-5252

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a25

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида қурилиш тармоғининг бугунги ҳолати, хусусан қурилиш тармоғининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, қурилиш тармоғига киритилган инвестициялар ва уларнинг технологик таркиби, ишга туширилган уй-жойлар бўйича маълумот ўрганилган, сўнги йилларда мамлакатда қурилган квартиралар миқдори ҳамда мамлакатда мулкчилик шакллари бўйича қурилган квартиралар тўғрисида маълумот батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, қурилиш тармоғини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қурилиш тармоғи, иқтисодий салоҳият, инвестиция ва уларнинг технологик таркиби, мулкчилик шакллари, уй-жой фонди.

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Исмаилов Акмал Махсудович

Доцент Ташкентского государственного экономического университета, к.э.н. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В данной статье рассмотрено современное состояние строительной отрасли Республики Узбекистан, в частности роль строительной отрасли в экономике страны, инвестирование в строительную отрасль и их технологический состав, информация о сданных домах, количество построенных квартир в стране за последние годы, а также подробно изучены сведения построенных в стране квартир по формам собственности. Также разработаны научные предложения по основным направлениям дальнейшего развития строительной отрасли.

Ключевые слова: строительная отрасль, экономический потенциал, инвестиции и их технологический состав, формы собственности, жилой фонд.

PRIORITY DIRECTIONS FOR DEVELOPING THE ECONOMIC POTENTIAL OF THE CONSTRUCTION INDUSTRY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Ismailov Akmal Maksudovich

Associate Professor of Tashkent State University of Economics, Ph.D. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

This article discusses the current state of the construction industry of the Republic of Uzbekistan, in particular the role of the construction industry in the country's economy, investing in the construction industry and their technological composition, information on commissioned houses, the number of apartments built in the country in recent years, and also studied in detail the information built in country of apartments by type of ownership. Scientific proposals have also been developed on the main directions for the further development of the construction industry.

Key words: construction industry, economic potential, investments and their technological composition, forms of ownership, housing stock.

Кириш

Қурилиш тармоғи мамлакат иқтисодиётининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у янги объектларни фойдаланишга топшириш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишларини олиб борадиган ягона тармоқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сонли “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўра мамлакатимизда қурилиш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг барча босқичларида шаффофликни таъминлаш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Ҳозирги вақтда қурилиш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш билан боғлиқ масалалар кун тартибидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу муносабат билан корхонанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг мавжуд ёндашувлари ва усулларини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу эса соҳани янада ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади. Бунинг барчаси ушбу тадқиқотнинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлардаги нашрлар ушбу масалани ўрганишнинг фавқулудда мураккаблигидан далолат беради, иқтисодий салоҳиятнинг якуний ўлчовини танлаш бўйича олимларнинг турли фикрлари мавжуд. Шундай қилиб, Э.В. Басалаеванинг фикрига кўра, “Иқтисодий салоҳиятни назарий жиҳатдан таърифлашнинг ўзи кифоя эмас, балки унинг қийматини баҳолаш учун ишончли, тушунарли ва қулай миқдорий мезонларни ишлаб чиқиш керак. Шунинг учун зудлик билан янги йўналиш – иқтисодий потенциалометрияни ишлаб чиқиш зарур, унинг мақсади иқтисодий салоҳиятнинг сифат ва миқдор кўринишларини ўрганишдир” [1].

Баъзи муаллифлар [2],[3] баҳолаш мезонлари сифатида меҳнат ресурслари, табиий ресурслар ҳамда харажатлар кўрсаткичларидан фойдаланишни таклиф қиладилар.

Қурилиш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг зарурати шундаки у бир томондан, корхонанинг барча иқтисодий ресурслари умумий қийматини аниқлашга ва шу билан бирга иқтисодий салоҳиятнинг таркибий қисмлари тузилиши ва динамикасини ўрганишга имкон беради, бошқа томондан эса ресурслар нархини корхоналарнинг бошқа иқтисодий кўрсаткичлари билан солиштириш имконини юзага келтиради [4]. Аммо, шу билан бирга, кўпчилик иқтисодчилар

иқтисодий салоҳиятнинг таркибий қисмларини кўрсаткичлар тизими бўйича баҳолайдилар, чунки иқтисодий салоҳиятни битта кўрсаткич билан баҳолаш мумкин эмас, чунки ҳар хил турдаги ресурсларнинг хоссалари ва хусусиятларининг хилма-хиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда расмий статистик маълумотлар, статистик кузатиш, статистик жадвал ва графиклардан, шунингдек статистик ва солиштирма таҳлил усулларида фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари олинган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда қурилиш тармоғининг иқтисодий ривожланиши тез суръатларда амалга ошаётганлиги ушбу соҳанинг мамлакат иқтисодиётида жумладан, ялпи ички маҳсулотдаги ўрни ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Мазкур тармоқдаги иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишда вертикал ҳамда горизонтал таҳлил усулларида фойдаланилган ва шу билан бирга иқтисодий кўрсаткичларни иқтисодий манфаатдорлик коэффициенти бўйича, яъни жорий давр кўрсаткичларининг олдинги давр кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришини ўрганиш орқали таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қуйида келтирилган 1-жадвал маълумотларидан шуни айтиш мумкинки, ўрганилаётган 2011-2021 йилларда қурилиш тармоғининг ўсиши жадал суръатлар билан амалга ошган ва ўртача манфаатдорлик ўртача коэффициенти 1,25 га тенг бўлганлигини кўриш мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари [5]

Йиллар	ЯИМ (млрд. сўм)	Қурилиш ишлари ҳажми (млрд. сўм)	Саноат маҳсулотлари ҳажми (млрд. сўм)	Қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги (млрд. сўм)	Доимий аҳоли сони (минг киши)	Бандлар сони (минг киши)	Қурилиш тармоғида иш билан бандлар сони (минг киши)	Аҳолининг умумий даромадлари (млрд. сўм)
2011	103232,6	9504,80	47587,1	48068,3	29555,4	11919,1	1068,8	85933,5
2012	127590,2	11753,90	57552,5	58549,3	29993,5	12223,8	1105,7	104263
2013	153311,3	15219,3	70634,8	69391,3	30492,8	12523,3	1144,0	126268
2014	186829,5	20060,4	84011,6	85101,7	31022,5	12818,4	1183,3	146392,9
2015	221350,9	25423,1	97598,2	103302,0	31575,3	13058,3	1222,2	169344,3
2016	255421,9	29413,9	111869	119726,7	37120,5	13298,4	1263,6	197962,4
2017	317476,4	34698,00	148816	154369,4	32656,7	13520,3	1290,0	236893,1
2018	424728,7	51129,30	235341	195095,6	33255,5	13273,1	1205,5	300842,7
2019	529391,4	71156,50	322536	224265,9	33905,2	13541,1	1324,6	365735,6
2020	602193,0	88130,3	368740	261892,2	34558,9	13236,4	1305,6	420338,3
2021	734587,7	107492,7	456056,1	317027,6	35271,3	13538,9	1350,8	515660,7

Ўз навбатида бу шуни англатадики, ушбу даврда мамлакатда ЯИМ манфаатдорлик ўртача коэффициенти ҳам 1,2 га тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Қолаверса ушбу ўрганилаётган даврда саноат тармоғида манфаатдорлик коэффициенти 1,23 га, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида манфаатдорлик

Ўртача коэффиценти 1,19 га тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Бу ҳам шуни англатадики, бугунги кунда қурилиш тармоғининг тез суръатлар билан ортиб бориши ва барча бошқа йирик тармоқларданда тез ривожланиш ва манфаатдорлик кўрсаткичига эга ҳисобланмоқда. Келтирилган даврда доимий аҳоли сонининг ортиб бориши манфаатдорлик ўртача коэффиценти 1,02 га тенг бўлганлигини, иқтисодиёт тармоқларида бандлар сонининг ортиб бориши манфаатдорлик ўртача коэффиценти 1,01 га тенг бўлганлиги, аҳолининг умумий даромадлари миқдори манфаатдорлиги ўртача коэффиценти 1,18 га тенг бўлганлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот миқдори манфаатдорлик ўртача коэффиценти 1,16 га тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Жадвал таҳлилидан кўриш мумкинки, ЯИМ миқдори коэффиценти ва аҳоли даромадлари ўртасида тафовут мавжуд, бундан ташқари доимий аҳоли сони коэффиценти ва иқтисодиёт тармоқларидаги банд бўлганлар коэффицентлари ўртасида ҳам катта тафовут мавжуд.

Бу ҳам шуни кўрсатадики бугунги кунда аҳоли сонининг ортиши ва банд бўлганлар сонининг ортиши ўртасида катта фарқ мавжудлигидир. Яна бир ушбу жадвалнинг эътиборли жиҳати шундаки, таҳлил қилинаётган 11 йил давомида мамлакатимизда қурилиш тармоғига киритилган инвестицияларнинг ўртача манфаатдорлик коэффиценти 1,67 га тенг бўлган ва бу барча бошқа тармоқ ва соҳаларга киритилган инвестициялар манфаатдорлик индексидан юқори кўрсаткични ташкил этган.

2-жадвалда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби фоиз кўринишида ва уларнинг ўзгариши коэффицентларда келтирилган бўлиб, бунда асосий эътибор асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг қурилиш монтаж ишларини бажариш учун, асбоб ускуналар ва жиҳозлар учун ва бошқа барча капитал ишлари ҳамда харажатлари учун йўналтирилган инвестициялар фоиз ҳамда коэффицент кўринишида келтирилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби [5]

	2012		2013		2014		2015		2016		2017		2018		2019		2020	
	фоиз	коэф.	фоиз	коэф.	фоиз	коэф.	фоиз	коэф.	фоиз	коэф.	фоиз	коэф.	фоиз	коэф.	фоиз	коэф.	фоиз	коэф.
Асосий капиталга киритилган инвестициялар жами:	100	1,00	100	1,00	100	1,00	100	1,00	100	1,00	100	1,00	100	1,00	100	1,00	100	1,00
Шу жумладан:																		
Қурилиш монтаж ишлари	48,7	1,04	49,7	1,02	51,5	1,04	51,0	0,99	52,0	1,02	53,4	1,03	44,6	0,84	40,2	0,90	43,4	1,08
Асбоб ускуна ва жиҳозлар	33,4	0,92	35,2	1,05	32,3	0,92	31,6	0,98	34,4	1,09	32,9	0,96	43,8	1,33	52,1	1,19	49,5	0,95
Бошқа капитал ишлари ва харажатлар	17,9	1,07	15,1	0,84	16,2	1,07	17,4	1,07	13,6	0,78	13,7	1,01	11,6	0,85	7,7	0,66	7,1	0,92

Эътиборли жиҳати шундаки мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби яъни қурилиш ва монтаж ишлари учун

киритилган инвестициялар 2012-2020 йиллар давомида доимий ўсиш кўрсаткичини намоён этмаган, аксинча энг юқори кўрсаткич 2016 йилда ташкил этган бўлиб кейинги даврда бир мунча камайганлигини яъни 2012 йилда 48,7 фоиз, 2016 йилда 52,0 фоиз ва 2020 йилда 43,4 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Мос равишда асосий капиталга киритилган инвестициялар манфаатдорлигининг ўзгариш коэффициентлари ҳам турли даврларда турлича бўлиб 2012 йилда 1,04 га, 2016 йилда 1,02 коэффициентга ва 2020 йилда 1,08 коэффициентга тенг бўлган. Шу билан бирга асбоб ускуна ва жиҳозлар учун киритилган инвестициялар миқдори эса ортганлигини, яъни 2012 йилда 33,4 фоиз, 2016 йилда 34,4 фоиз ва мос равишда 2020 йилда 49,5 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бундан ташқари манфаатдорликнинг ўзгариш коэффициентлари ҳам турли 2012 йилда 0,92 коэффициентга, 2016 йилда 1,09 ва 2020 йилда бу кўрсаткич 0,95 коэффициентга тенг бўлганлигини кўриш мумкин.

Навбатдаги келтирилган иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар тўғрисида берилган жадвал таҳлилларидан кўришимиз мумкинки, ўрганилаётган 10 йил давомида энг юқори манфаатдорлик коэффициентига эга тармоқ бу қурилиш тармоғи бўлиб мазкур коэффициент 1,67 га тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу ҳам барча тармоқ ва соҳалар орасида сўнги йилларда қурилиш тармоғига киритилган инвестицияларнинг юқори бўлганлиги билан изоҳланади (3-жадвал).

3-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар [5]

	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами	24455,3	30490,1	37646,2	44810,4	51232	72155,2	124231,3	195927,3	210196,1
Шу жумладан:									
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	2745,4	3129	3858,3	4515,4	4795,3	6110,6	7991,9	12199,1	14776,8
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни излаш	3204,1	4632,3	6973,4	9701,1	7173,4	14203,8	16036,7	20069,6	23534,5
Ишлаб чиқарадиган саноат	3714,7	4082	4780,7	5346,2	8992,1	12238,1	25741,2	50990,2	55 943,3
Электр,газ,буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	969	1317,6	1687,6	2244,5	2722,7	5472,2	15390	21140,6	11171,8
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	192,9	336,1	433,2	446,6	717,3	963,6	2653,7	3864,9	3529,3
Қурилиш	277,5	420,1	1808,3	1057,1	932,1	1427,7	2550,6	7225,5	10105,4
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	939,2	1362,7	1769,5	2028,8	2459,2	2508,8	5080	7395,2	13256,7
Ташиш ва сақлаш	3387,2	4353,4	4199,3	3739,5	5785	6369	8487,5	14047,7	14132,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	276,8	330,5	444,8	476,1	929,7	550,8	1716,3	2665,6	2 602,60
Ахборот ва алоқа	703,4	792,4	814,3	985,3	1098,5	1926,1	1607,9	2679	8984,1

Молия ва суғурта фаолияти	251,8	209,9	272,4	511,4	345,4	801,9	1048,1	1822,5	3259,3
Касбий, илмий ва техник фаолият	674,4	678,3	1118,1	895,4	501,9	553,7	1491	2687	3428,4
Таълим	631,1	759,7	792,8	963,7	1330,6	1481,4	2913,6	5511	5402,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	796,2	792,7	885,6	950,2	1140,3	1605,5	2684,3	6156,6	6640,1
Санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	198,9	193,6	227	189,8	378,9	566,2	1900,1	3332,5	2279,1
Барча фаолият турларидан ташқари									
Тура ржой қурилишига инвестициялар	4614	5950,9	7131,4	9118,3	9394,2	11068,8	19537,1	20309,6	19064,2
Бошқа фаолият турлари	978,7	1148,9	1449,5	1642,8	2535,4	4306,7	7401,3	11830,7	12084,7

3-жадвал маълумотлари таҳлилидан шуни кўриш мумкинки ўрганилаётган 2012-2020 йилларда мамлакатимизда ишга туширилган уй-жойлар бўйича маълумот ва уларнинг умумий майдони ўзгариши коэффиценти 4-жадвалда келтириб ўтилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган ўн йил давомида 2017 йилдан бошлаб ортиб борганлигини ва фақатгина 2019 ва 2020 йилларда мавжуд вазият (пандемия) таъсири натижасида кўрсаткичларнинг пасайганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ўрганилаётган даврда жами қурилган уй-жойлар ўртача манфаатдорлик коэффиценти 1,04 га тенг бўлганлигини кузатиш мумкин, бу ҳам қурилиш тармоғидаги сезиларли ривожланиш мавжудлиги ва юқори ривожланиш кўрсаткичларига эга эканлиги билан изоҳланади. Ушбу жадвал маълумотларидан амалга оширилган қурилиш ишларида мулкчилик шакллари бўйича манфаатдорлик ўртача коэффиценти давлат тармоғида (1,38) бир мунча юқори бўлганлигини ва шаҳар ҳамда қишлоқ жойлардаги амалга оширилган қурилиш ишлари манфаатдорлик ўртача коэффиценти 1,08 ва 1,02 коэффицентлар билан деярли бир бирига яқин кўрсаткичга эга эканлигини кўриш мумкин.


4-жадвал

Ишга туширилган уй-жойлар бўйича маълумот[5] (уй жойлар умумий майдони ўзгариш коэффиценти)

	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Ўртача ўзгариш коэффиценти
Жами қурилган квартиралар сонининг ўзгариш коэффиценти	1,13	1,03	1,05	0,99	0,93	1,15	1,14	1,13	0,73	1,03
Шу жумладан:										
давлат	0,60	1,67	1,20	2,33	0,43	1,33	1,38	5,45	0,58	1,60
нодавлат	1,13	1,03	1,05	0,98	0,94	1,15	1,14	1,09	0,74	1,02
<i>Шаҳарларда</i>										
Жами қурилган квартиралар сонининг ўзгариш коэффиценти	1,16	1,03	1,12	1,17	0,89	1,16	1,39	1,23	0,68	1,08

Шу жумладан:										
давлат	1,61	1,32	0,67	2,23	0,64	1,11	1,80	2,75	0,19	1,33
нодавлат	1,15	1,02	1,14	1,14	0,90	1,16	1,38	1,17	0,72	1,08
<i>Қишлоқ жойларда</i>										
Жами қурилган квартиралар сонининг ўзгариш коэффициенти	1,12	1,04	1,04	1,02	0,96	0,96	1,07	1,11	0,93	1,02
Шу жумладан:										
давлат	1,06	0,22	49,25	2,29	0,23	0,70	0,28	1,52	75,13	13,17
нодавлат	1,12	1,04	1,04	1,01	0,96	0,96	1,07	1,11	0,91	1,02

Қуйида келтирилган расмда 2012-2020 йиллар оралиғида мамлакатимизда мулкчилик шакллари бўйича қурилган квартиралар тўғрисида маълумот келтирилган. Жумладан, 2019 йида давлат томонидан мамлакат бўйича қурилган квартираларнинг улуши 4,9 фоизни ташкил этган ва бу мамлакатимизда ушбу даврда амалга оширилган карантин чекловлари билан бевосита боғлиқ ҳисобланади (расм).



Расм. 2012-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шакллари бўйича қурилган квартиралар тўғрисида маълумот, (фоизларда)[5]

Қуйидаги келтирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича қурилган квартиралар миқдорининг ўзгариш коэффициенти б-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларини таҳлили шуни кўрсатадики, юқоридаги жадвалдан фарқли ҳолда ушбу жадвал мамлакатимиз минтақаларида қурилган квартиралар яъни яшаш уй-жойлари тўғрисида маълумот келтирилган.

Унга кўра Республика бўйича 2012-2020 йилларда қурилган квартиралар манфаатдорлигининг ўртача ўзгариш коэффициенти 1,03 га тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин. 2017 йил таҳлилий давр учун энг юқори кўрсаткичга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткичнинг вилоятлар кесимидаги ҳолати бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (1,18) ва энг паст кўрсаткич Наманган вилояти (0,99) ҳиссасига тўғри келган. Ушбу кўрсаткичлар ҳам шу билан изоҳланадики, мазкур вилоятларда, жумладан Тошкент шаҳрида уй-жойга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги, аҳоли сонининг кўплиги бўлса, Наманган вилоятида мазкур кўрсаткичнинг пастлиги эса ушбу вилоятда квартираларга бўлган эҳтиёжнинг ва манфаатдорликнинг пастлиги билан изоҳлаш мумкин.

6-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича қурилган квартиралар миқдори [5]

(минг дон)

	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Ўртача ўзгариш коэффициент и
Ўзбекистон Республикаси	82,7	85,1	89,1	88,3	82,0	94,6	107,7	122,0	86,8	1,03
Қорақалпоғистон Республикаси	5,6	5,6	5,2	4,8	4,6	5,5	6,6	10,7	5,6	1,05
вилоятлар										
Андижон	5,5	6,6	7,3	7,6	8,1	7,1	9,0	8,3	11,6	1,08
Бухоро	5,5	5,5	5,5	5,6	5,4	6,8	9,0	8,3	7,1	1,04
Жиззах	3,1	3,4	3,7	3,7	4,2	4,4	5,3	5,5	3,8	1,04
Қашқадарё	5,9	6,1	6,2	6,3	7,0	8,3	6,4	6,0	6,8	1,02
Навоий	2,0	2,3	2,8	3,3	3,4	3,9	3,9	5,4	2,7	1,04
Наманган	14,5	11,8	14,1	11,0	10,7	10,2	9,9	12,9	9,9	0,99
Самарқанд	6,4	6,7	7,7	7,8	4,6	7,0	9,1	8,9	5,5	1,03
Сурхондарё	8,5	8,9	6,8	9,6	9,1	8,4	9,0	8,4	7,8	1,02
Сирдарё	2,6	2,7	2,0	1,7	1,8	1,9	1,8	2,8	4,7	1,11
Тошкент	7,1	6,1	9,3	9,0	8,6	8,6	9,9	12,7	6,8	1,09
Фарғона	8,0	8,4	7,4	6,1	4,5	9,3	10,5	8,0	6,0	1,02
Хоразм	3,9	4,3	4,1	4,9	4,4	5,4	4,9	4,9	3,7	1,02
Тошкент ш.	4,1	4,7	5,0	5,2	5,8	7,6	10,1	17,7	4,4	1,18

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда қурилиш тамоғини ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишлар доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

-қурилиш саноатини модернизация қилиш ва уй-жой қурилиши сифатини ошириш, шу жумладан, эскирган технологиялардан фойдаланишга чекловлар ўрнатиш, лойиҳалаш ва қурилиш пудрат ишларига илғор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, қурилиш ишлари меъёрлари ва стандартларини, уй-жой қурилиши соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш бўйича ҳуқуқий асосларини давр талаби бўйича такомиллаштириш бориш;

-мамлакатда уй-жой қурилиши миллий лойиҳаси фаолиятини молиялаштириш тизимини жорий этиш даврида уй-жойларни фойдаланишга топшириш ҳажмининг пасайиши билан боғлиқ муаммоларни аҳолининг талаб ва истакларига мувофиқ равишда амалга ошириш;

-қурилиш корхоналарининг инновацион фаолияти кўламини кенгайтиришга ва соҳага илғор технологияларни киритишга тўсқинлик қилувчи чекловларни олиб ташлаш;

-қурилиш корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш учун унинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва янги технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш;

-қурилиш саноатини рақамлаштириш, шу жумладан муҳандислик тадқиқотлари, лойиҳалаш ва қурилиш ишларида, шунингдек ушбу тармоқни бошқаришда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;

-шаҳар муҳити сифат индексларини ҳисобга олган ҳолда қулай шаҳар муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш механизмларини яратиш;

-фуқаролик, саноат ва транспорт қурилиши соҳасида давлат-хусусий шериклик тизимини такомиллаштириш;

-қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шу жумладан энергия тежовчи материаллардан фойдаланишни ошириш, қурилиш хизматлари экспортини ривожлантириш;

-қурилиш тармоғи учун етук кадрлар тайёрлашда назария ва амалиёт интеграциясини ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда қурилиш тармоғининг иқтисодий ривожланиши тез суръатларда амалга ошаётганлиги ушбу соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни жумладан, ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Бизнингча, ушбу тармоқдаги иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишда биз томондан таклиф этилган вертикал таҳлил усулидан фойдаланиш юқори натижага ва аниқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини яратади. Бундан ташқари ушбу таҳлил усулидан фойдаланиш орқали кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлигини ҳам кузатиш имконияти пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Басалаева, Е.В. О проблемах исследования экономического потенциала и некоторых способах их решения / Е.В. Басалаева // Научная сессия МИФИ – 2006. Т. 13 / Всероссийский заочный финансово -экономический институт. – М., 2006. – С.45-50.

2.Головнина Л.А., Жигунова О.А., Семенова С.В. Теоретически е аспекты прогнозирования вероятности банкротства и учет, связанный с процедурами банкротства на предприятиях: монография. – М.: Нефть и газ, 2008. – 125 с.

3. Гунина И.А. Теоретико-методологические основы формирования концепции развития экономического потенциала предприятия // Машиностроитель. – 2004. - № 10. С.10-14.

4. Жигунова О.А. Теория и методология анализа и прогнозирования экономического потенциала предприятия: монография. – М.: ИД «Финансы и Кредит», 2010. – 140 с.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.